

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАХАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАХАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

5-ИЛ ЧИҚИШИ
№ 126 (1130)
25
ИЮНЬ
ЧОРШАНБА
1958 ЙИЛ
БАХОСИ
20 ТИПИН

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг СССР Матлубот кооперацияси вакилларининг бешинчи съезидига Т А Б Р И Г И

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети матлубот кооперацияси вакиллари бешинчи съезидининг делегатларини ва улар орали совет матлубот кооперациясининг ҳамма аъзоларини табриклиди.

Матлубот кооперациясининг съези совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида коммунистик қурилишнинг КПСС XX съезиди белгилаб берган удувдор программасини муваффақият билан амалга ошираётган вазиятда ўтмоқда.

Партия ва ҳукуматимизнинг саноат ва қурилиш бошқарилари қайта қуриш, колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина трактор станцияларини қайта ташкил қилиш соҳасида амалга оширган тадбирлари барча маҳаллий органларнинг хўжалик ва маданий қурилишдаги ташаббускорлигини мисли қўрилмаган юксакликка кўтарди, миллионлаб меҳнаткашлар оммасининг ишлаб чиқаришини бошқаришда, қўшимча резервларни топиб, бу резервлардан халқ бахт-саодати йўлида фойдаланишда тагин ҳам активроқ қатнашувини таъминлади.

Партияимизнинг мамакат экономикасининг негизи бўлган оғир саноатни устуун даражада ривожлантиришда қаратилган ленинча йўли халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини тўхтовсиз ўстиришни, фан ва маданиятнинг мисли қўрилмаган равишда туллаб-йишанини, совет кишиларининг моддий фаровонлигини тиймаи оширишни таъминлади. КПСС Марказий Комитети май Пленумининг химия саноатини ҳамда синтетик материаллар ва буюмлар ишлаб чиқаришини ривожлантиришга жаллаштириш тўғрисидаги қарори, шунингдек КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг мажбурий махсудот етказиб бериши ва МТСларнинг ишлари учун натура ҳақи тўлашни бекор қилиш тўғрисидаги, қишлоқ хўжалик махсудотлари тайёрлашни янги тартибни, нарх ва шартлари тўғрисидаги қарори партияимизнинг бу йўлда қўйган янги муҳим қадимилри.

Ҳозирги вақтда совет халқи мамакатимиздаги коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал қилишга ўзининг бутун кучини сарфламоқда. Матлубот кооперацияси ҳам ана шу жуда катта аратувчилик ишига актив қатнашмоқда. Оммавий ташкилотларнинг бири бўлган матлубот кооперацияси пайчларни хўжалик ва маданий қурилишнинг бошқаришга қатнашишга тортиш соҳасида катта иш қилоқда, совет савосини авж олдиришга ҳамда шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга анча ҳисса қўшмоқда; меҳнат унумдорлигини янада ўстиришга, совет халқининг моддий ва маданий даражасини оширишга ёрдам бермоқда.

Матлубот кооперацияси системасида кейинги тўрт йил ичида чакана товар обороти 82 процент кўпайди, қишлоқ хўжалик махсудотларини ва хомашёларни тайёрлаш ва харид қилиш икки баравардан зиёдроқ ошди. Матлубот кооперациясининг моддий-техника базаси анча кенгайди. Кооператив савдоси раҳбарлари, ташкилотчилари ва мутахассисларидан иборат кадрлар ўсиб етишти. Кооператив ташкилотлари аҳолининг зарур молларга бўлган талабларини тўлиқроқ қондирилган бўлиб қолдилар, харидорларга хизмат кўрсатишни яхшиладилар, савдо қилишининг прогрессив формаларини ўз ишларига кенгроқ жорий қиладиган бўлиб қолдилар.

СССР матлубот кооперацияси халқаро кооператив ҳаракатида, чет мамакатларнинг ташкилотлари билан савдо-сотиқда ривожлантиришда, Совет Иттифонининг ҳамма мамакатлар билан ўзаро манфаатли иқтисодий алоқаларни кенгайтиришда тинчлик ва халқлар ўртасида ҳамкорлик учун олиб борилаётган курашда актив қатнашмоқда.

Социалистик экономиканиннг ҳар томонлама ривожланиб бораётганлиги, саноат ва қишлоқ хўжалик махсудотларини ишлаб чиқариш тўх-

СОВЕТ ИТТИФОКИ
КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

СССР ИТТИФОКИ
МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

Совет-Непал қўшма ахбороти

Непал короли Суастишири Гиривраж Чакравартиани Нараянабайне-тади Бибидха Бирухабали Бира-жаманаманоната Ошани Ражан-ва Прокуша Непалтара Антежа-шун Трибухубана Пражатамантра Шри-пат Ом Рампат Атнеубикхат Три-шахпатна Атирабала Горхалак-шпакшуба Шринан Махараджкираж Шри Шри Шри Махараж Махендра Бир Бикам Шоҳ Дева Маалахияти фельмаршал Тахта Сарбча бош қўмондон Жуит Баходир Шоҳ Баходир Шаммер Жунг Сала Самар Бижадиям ва Непал кирончаси Ратна Ражия Лакшми Деви Шоҳ СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов таълифига биноан давлат вазити билан Совет Иттифоқида келиди.

Шу нарса уқтириб ўтилдики, Совет Иттифоқи билан Непал Короллиги ўртасидаги муносабатлар ҳам-иша самимий ва дўстона муносабатлар бўлиб келди ва бу муносабатлар тинч-товуш яшаниннг беш принципига, яъни:

1. Ҳар қайси давлатнинг терри-ториал бутунлигини ва суверените-тини ҳурматлаш.
2. ҳужум қилмаслик,
3. иқтисодий, сиёсий ёки идео-логик характердаги ҳеч бир ваз-бият билан бир-бирининг ички ишлари-га аралашмаслик.
4. тенглик ва ўзаро манфаатдор-лик.
5. тинч-товуш яшаш принциплари-га асосланишмоқда.

Ҳар иккала Томон мавжуд халқ-аро ваият ҳақида фикрлашиб олди-лар ва бутун дунё халқлари учун ташвиш ва ипониҳасилик манбаи бў-либ келатган мавжуд халқаро кес-кинликни юмшатиб йўлида коллек-тив куч-ғайрат сарфлаш матлубли-ги амин эканликларини яқдиллик билан ихор қилдилар.

Ҳар иккала Томон давлат сиёса-тининг воситаси сифатида урушдан воз кечиб кераклигига қатъий ишонч ихор қилдилар ва ўзларини-нинг ялпи тинчликка ва дўстликка интилаётганликларини таъкидлади-ларки, бу нарса инсоният тарқиди-ти ва равақат учун гоат муҳимдир. Непал Короли, Непал буюк давлат-ларининг халқаро кескинлигини юм-шатшга қаратилган куч-ғайратла-рини ҳамиша таъриқлаб келганли-гини ва Совет Иттифонининг бу йўлда қилган ташаббусини мамну-ният билан қайд қилганлигини кўр-сатиб ўтди.

Улар буюк Хитой Халқ Респу-бликаси Бирлашган Миллатлар Таш-килотидида аъзо бўлишга қонуан ҳақли эканлигини яна бир марта таъкидладилар.

СССР Олий Совети
Президиумининг Раиси
К. Е. ВОРОШИЛОВ.

Непал короли
Хазрат Олийлари
МАХЕНДРА БИР БИРАМ
ШОҲ ДЕВА.

Москва.
1958 йил, 23 июнь.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШНИНГ БУЮК ПРОГРАММАСИ

Оржоникидзе районидидаги „Қизил Ўзбекистон“ кол-хозининг аъзолари КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорини яқдиллик билан маъқулламоқдалар



Суратда: колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ А. Матқобилов бир гурупа колхозчи ва активларга КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорининг мазмунини ту-шунтириб бермоқда.

Хўжаликнинг ҳамма соҳаси ҳар тарафлама кескин ривожланади

Колхоз қишлоқининг кишилари шу кунларда ажойиб воқеаларнинг гу-воҳи бўлмоқдалар. Совет кишилари-ни қишлоқ хўжалик махсудотлари билан, саноатни хомашё билан мўл-кўз таъминлаш вазифасини ўз зима-масига олган ва бу вазифани шараф билан бажариш учун бир тан, бир жон бўлиб курашадиган колхозчилар — пахтакорлар, чорвачилар, сазбавотчилар, боғбонлар, пиллачи-лар ўзлари ишлаётган участкалар-да ҳосил ва махсудотни кўпайтириш, унинг таннархини камайтириш йўли-да бир ғайратларга ўн ғайрат қў-шиб меҳнат қилаётирлар.

Колхозчи раиси, Социалистик Меҳ-нат Қаҳрамони Абдумалик Матқоби-лов колхоз активи йиғилишида КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми материаллари тўғрисида гапириб бўлади деди:

ХОСИЛ МЎЛ ВА СИФАТЛИ БЎЛАДИ

— КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қароридида ҳосилни кўпайтириш ва давлатга тошириладиган пахта ҳамда бошқа қишлоқ хў-жалик махсудотларининг юқори си-фатли бўлиши алоҳида аҳамиятга эга эканлиги ўқдирилган. Биз бу йил 1230 гектар ернинг ҳар гектаридан 36 центнердан ҳосил еттиштиришни планлаштирган эдик. Колхозчилар ва механизаторлар пахтаниннг ялпи махсудотини кўпайтириш зоясидан ўз зиммаларига янги мажбурият ол-дилар. Биз бу йил ҳар гектар ердан давлатга 40 центнердан пахта тоширамоиз. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Анвар Эгамназаров брига-даси 91 гектар ернинг ҳар гектари-дан планлагичи 37 ўрнига 50 центнер-дан, Рўздат Эрматов, Раҳмон Карим-беков ўртоқлар бошлиқ бригадалар аса гектаридан 45 центнердан пахта еттиштиришга қарор қилдилар. Ҳо-сининг шу даражада кўпайтирили-ши натижасида бу бригадалар ўрта-ча 1 миллион 130 минг — 1 мил-лион 428 минг сўм ўртасида даромад қилдилар. Бригадаларида ҳосилнинг оширилиши ва давлатга тошириладиган пахтаниннг кўп қисми юқори сорт билан етказиб берилиши нати-жасида бизнинг даромадимиз анча кўпаяди. Колхоз ҳар гектар ердан планлагичи 36 ўрнига 40 центнердан пахта тоширгани учун кўшимча равишда 1 миллион 583 минг сўм-дан ортиқ даромад қилди. Бу билан таъкири КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорига асосан пахта-дан бошқа қишлоқ хўжалик экин-лари махсудот еттиштиришда МТГСА натура ҳақи тўламаслигимиз орқаси-да биз 1 миллион 353 минг 800 сўм даромадга эга бўлимоиз. Шунинг-дек картошка ва сазбавотдан 98,3 минг, гўштдан 131,2 минг, жундан 55,6 минг сўм, теридан 7 минг, пилладан 63,2 минг сўм — ҳамма-си бўлиб 1 миллион 709 минг сўм-дан ортиқ даромадди кассамизга киритамиз.

Колхоз раиси яна қандай йўллар билан колхоз қўшимча даромад қи-лишини батафсил сўзлаб берди. — Биз илгари ҳар гектар ердан 14 тоннадан картошка еттиштириш мажбуриятини олган эдик. Шу соҳа-да ишлайган бригадалар бошқилари ва колхозчилар билан маслаҳатлашиб чиқдик. Улар илгари мажбурият-лари 14 тонна ўрнига ҳар гектар ердан 200 тонна кўп картошка еттиштириш, шундай қилиб колхозга 120 минг сўм даромад кирити-ши мажбуриятини олдилар. Худди шунга ўхшаш ниб ҳосилнинг ошири-ганимиз учун қўшимча 30 минг, помидор ҳосилни кўпайтиргани-миз учун 24 минг сўм даромадга эга бўлимоиз.

Колхоз чорвачилари 400 бов си-гирининг ҳар бирдан 2800 литрдан сўт соғиб олишга қарор қилган эди-лар. Энди улар ўз ички имконият-ларини қийдириб топиб, яъни соғия-тириларнинг боқувини бундан ҳам

яхшилаб колхозга қўшимча равишда 70 тонна сўт етказиб беришга, шун-дай қилиб колхоз кассасига 140 минг сўм пул киритишга тайёр эканликларини ихор қилдилар.

Ўрниб турибдики, бизнинг бу йилги даромадимиз сметала белги-ланганидан ошиб бўлса бўладики, ҳам бўлмайди. Биз бу йил давлатга тоширган пахтаимиз учун устамо муқофот тариқасида 2 миллион 65 минг сўм пул олинганга керак эди. Энди шу пулни даставвал ҳосилни ошириш, пахтани юқори сифатли қилиб тошириш йўли билан ҳамда чорвачилик махсудотлари давлат илҳининг кўпайганига билан қол-лаш эмас, ҳақто ошириб юборамиз. Устамо муқофот тариқасида 2 мил-лион 65 минг сўм олингандан пулдан бирмунча кўп — 3 миллион 606 минг сўмдан зиёд даромадга эга бўлимоиз.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти ҳар бир колхозчи ва ме-ҳнатдорга июнь Пленуми қарорини ва ўртоқ Н. С. Хрушчев доклады-ни пухта тушунтирмоқда. Уларни пахта ҳосилни ошириш учун эфр ғайрат билан ишлагга илҳомлан-тирмоқда.

Ҳозирги пайтда асосий майдон-лардаги гўза иккинчи марта озон-лантирилди, шу ерлар узунасига ва кўндаланчига ишлаб чиқилди. Су-ғориб келча-кундуз ва сифатли ўт-каллаштирилди. Биз суръатини бунага кейин ҳам кучайтирамоиз, ҳар гек-тар ердан 40 центнердан ҳосил еттиштириш зоясидан олган социали-стик мажбуриятимизни шараф билан бажарамиз ва пахтаниннг ўзидан 15 миллион 760 минг сўм даро-мад олишни планлаштирган экан-миз, бунга албатта эришамиз.

ДАРОМАДИМИЗ НАМАЙМАЙДИ

Актив йиғилишида бригада бош-лиги, Социалистик Меҳнат Қаҳра-мони Анвар Эгамназаров сўзлаб бу бригадасида қандай қилиб мўл ҳо-сила еттиштириш учун курашлайотган-лиги ва бу йилги режалари тўғриси-да гапириб берди.

— Биз даромадимизни камайтири-масдик, колхозчиларнинг меҳнат кунига ўтган йилги даражадан бирмунча кўп пул ва галла тақ-симлаб берилишига эришиш учун ҳаракат қилаётимиз. Биз бунга қандай қилиб эришамиз? Аввало шун-ини айтиш керакики, пахтадан кела-диган даромадини кўпайтириш учун давлатга кўп пахта тошириш керак. Биз 91 гектар ернинг ҳар гек-таридан 50 центнердан, яъни кон-трактицияда планда белгилаганидан 13 центнердан кўп ҳосил еттиш-тиришга сўз берганимиз ва бу сўзми-нат албатта бажарамиз. Бундан та-ъкири пахтаимизнинг намида 80 пер-центини биринчи сорта тошира-миз. Шундай йилнингдан бригадамиз 1 миллион 428 минг сўм даромад қилди.

Ўқори сифатли пахта тошириш учун ҳозирги пайтда астойил кура-лиши, яъни гўзаларнинг нормал рив-ожланишига эришиш талаб қила-ди. Бригадамиздаги ҳар бир киши шунга эришмоқ учун филдерона меҳнат қилоқдалар.

Сигирчилек фермасининг музир Сариносқ Рустомов, сазбавот ва боғдорчилик бригадасининг бошлиги Карим Парпиев ўртоқлар чорвачилик махсудотларини кўпайтириш, сазба-вот ва боғдорчиликдан кўпроқ ҳосил олиш учун курашини — колхознинг умумий даромадини кўпайтиришда қилувчи майбалардан бири эканлиги тўғрисида гапирдилар.

„Қизил Ўзбекистон“ колхозининг аъзолари КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорини эфр қони-қиб билан маъқулламоқдалар ва ўз хўжаликлариини янада юксалтириш, даромадини кўпайтириш учун кура-шаётирлар.

С. МАҲМАМОВ.

Н. С. Хрушчев шаҳзода Прем Пурачатрани қабул қилди

23 июлда СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев СССР Фанлар Академиясининг таъли-моғи мувофиқ Совет Иттифоқида леҳмон бўлиб турган „атоқли Таил-ланд олим шаҳзода Прем Пурачат-рани рафикаси билан қабул қилди ва улар билан сўхбатлашти. Сўх-бат дўстона вазиятда ўтди.

ЧОРВАЧИЛИК МАХСУДОТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ПЛАНЛАРИНИ МУДАДДАТ ОЛДИН БАЖАРДИЛАР

Ўзбекистон ССР ва Тожикистон ССР қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари қишлоқ хўжалик махсудотлари еттиштиришни кўпайтириш учун со-циалистик мусобақани авж олдириб, чорвачилик махсудотларини тайёр-лаш ва харид қилишининг биринчи ярим йил учун белгиланган планла-рини муддатдан олдин бажардилар.

Ўзбекистон ССР гўшт ва тухум тайёрлаш ва харид қилиш ярим йил-лик планини бажарди. Бу йил дав-латга ўтган йилнинг шу даридагиде-ка қараганда 4,1 минг тонна, ёки 15 процент кўп гўшт тоширияди.

Республика колхозлари ва сов-хозлари давлатга гўшт тошириш ва сотиш ярим йиллик планини бажари-ши билан бирга шу йилнинг беш ойи ичида 1957 йилнинг шу дари-дагига нисбатан қорамоллар сонини 14 минг бов, қўчалар сонини 43 минг бов ва қўчалар сонини 535 минг бов кўпайтиридилар.

Тожикистон ССР давлатга сўз ва тухум тошириш ва сотиш соҳаси-да шу йилнинг биринчи ярмига белгиланган планини бажарди. Шу йилнинг шу дарида ўтган йилда-гига нисбатан сўт 4,3 минг тонна, ёки 22 процент ва тухум 1,1 мил-лион дونا, ёки 14 процент кўп тай-ёрланди ва харид қилинди.

Ўзбекистон ССР ва Тожикистон ССР қоракўл ва қоракўл терисп тайёрлаш йиллик планларини ба-жардилар.

Редакцияга келган хатлардан

Нечқурун 120, тунда 220...

Салтанат хола... бугун унинг уйи меҳмонлар билан тўла. Улар Свердлов номли концерт залда берилган концертнинг теливизор экранига ҳузури билан тамоша қилаётганлар. Салтанат хола меҳмонлар келгани учун бўлса керак, лампочкалар ва телевизор предохранителни 220 вольтлиги билан алмаштиришни асдан чиқариб қўйди. Кўп ўтмай, лампочкалар ва телевизор предохранители куйиб, ҳаммаёқ қоп-қоронғу бўлиб қолди.

— Ана холос, концертни ҳам микирқиб тинглай олмайдиган бўлиб қолди... меҳмонлар орасида гап-гавур пайдо бўлди.

— Буни қаранглар-а, — деди Салтанат хола, — бугун ҳар кунги қилаётган ишимдан алдирибман. Маҳалламизда ажойиб хангомалар бор. Кечқурунлари 120 вольтли тоғимиз тунги соат 10 дан ўтгач, 220 вольтли бўлади. Кўп-қулоқ бўлиб турмасан, лампочкалар ҳам, телевизор, радиоприёмниклар ҳам қийғос куйверади...

Меҳмонлар келган вақтда ана шундай хуноқ воқеа бўлганидан Салтанат холанинг табияти хиралашди. У ярим литрли ишимни олиб, керосинга қўшиқлариникига чиқиб кетди...

Ҳақиқатан ҳам Фрунзе районининг Кичик Қозиробод маҳалласидан 220 вольтли электр линиясида ток бир мебра бўлмади. Ҳар кунги нечқурун соат 7 дан 10-10,5 гача бу диния бўйлаб узатиладиган энергия 120 вольтли бўлади. Меҳнатчилар шу бир неча соат ичинда 120, ундан кейин эса 220 вольтли лампочкалар ёқинга мажбур бўладилар.

Маҳалламизда яшовчи меҳнатчилар электр энергияси таъминотида ҳужм сураётган шундай тартибсизликлардан, радио ва телевизор эшиттирилари нормал тинглай олмаётганлардан азиятчиликлар. Бунинг устига лампочка, телевизор, радиоприёмниклар ва бошқа электр асбоблари қўйлаб ишдан чиқмоқда. Маҳалламизнинг фақатгина Зар тугидаги июнь ойининг ўтган кунлари ичунда бир неча телевизор, радиоприёмник, ўнарча лампочкалар куйди.

«Энергосит»нинг Фрунзе райони бўйича инспектори С. Тўхтаев, электр линияси монтажери Т. Аббаров ўртоқлар бу воқеадан тўла хабардорлар, маҳалламизда яшовчилар уларга энергия таъминотини тартибга солишни илтимос қилиб бир неча марта мурожаат қилишди, лекин улар қўруқ ваъда берилган нарғига ўтмаётганлар.

Бунинг энергия таъминотида солидир бўлаётган камчиликларга барҳам бериш ҳақидаги илтимосимиз қачон бажарилар экан?

Кичик Қозиробод маҳалласида турувчилар номидан: Х. ШАРИПОВ, Ғасфоров фанлар академияси химия институтининг лаборанти.

Н. САЪДУЛЛАЕВ, Республика колхоз раислари тайёрлаш мактабининг ўқитувчиси.

К. ЯМИНОВ, савдо ходими.

Бизнинг талабимиз

Районимиз радиоузели сўнгги вақтларда ёмон ишлаётган бўлиб қолди. Радиоузелининг май байрам кунлари ишламай қолгани район меҳнатчиларининг жуда ҳам таажубланганди. Дам олиш кунлари эса радио эшиттириш бутунлай тўхтайдди. Айрим кунлари меҳнатчилар қишлоқ хўжалик ходимлари учун берилган эшиттирилари тинглай олмайдилар.

Тарас Шевченко номли колхознинг 700 га ақин хонадонига радио тоқчалари ўрнатилган бери ордан уч ойдан ошдироқ вақт ўтди. Лекин, монтажнинг масъулиясиники натижада колхозчилар хонадонидан радиолар ҳануз мунтазам равишда ишлаётгани йўқ. Шунга қарамадан хонадонлардан радио тоқчалари учун ҳар ойда ҳақ олинмоқда.

Наҳотики бу ҳолдан район алоқа бўлимининг бошлиғи ўртоқ Панкратов хабардор бўлмасан! Биз радиоузелининг мунтазам ишлашини талаб қиламиз.

Р. ОЧИЛОВ, Сирдарё районидан Тарас Шевченко номли колхоз аъзоси.

Шикоят дафтари варақланганда

Тунги оқватларини пайтида иш-тада билан Алимқандаги яккаюғона ошхонага кирдик. Уёқ-бўқини қараб менюни тоғоломай, бўш столлардан бирига ўтириб, официантани роса ярим соат кутдик. Келармагач, чақириб, оқват буркилик. Узоқ кутулган оқват — лағмон билан гуляш ҳам келтирилди. Эссиз беқорга ўтган вақт. Оқватда на маза бор, на матра.

Этирозларимизни шикоят дафтарига ёзиб кетмоқчи бўлидик. Дафтари олиб варақладик, ўз фикримиздан дайдиқ. Чунки биз ёмоқчи бўлган фикрнинг ҳаммаси дафтарида бор.

Ҳўрачалардан Исмоилов, Эргашев ўртоқлар бизнинг этирозларимизни айнан ифода этишди:

«Биз ошхонага кириб официантани роса бир соат кутдик. Бу ҳам етмагандай официантка ўртоқ Иганиева биз билан ўткетган даражада кўпо муомалада бўлди, у хисоб-китоб қилганда, биздан менюни кўрсатилганда ортиқча ҳақ олди. Масалан, 200 грамм нон учун бир сўм олди.

14/ХП—57 йил. «Биз Тошкентдан қондирилганга келган эдик, — деб ёздик шикоят дафтарига Мухомедов ва Мугубоков ўртоқлар. — Бу ерданги ошхонага кириб дурустроқ оқватлача оламдик. Оқватнинг миқдори кам, сифати ниҳоятда паст. Официантлар кўпол ва интизомсиз. 23/IV—58 йил».

Шояд шу сигналми Оққўрғон район матбуот жамиятининг ваҳдатларига бориб етса-ю, улардан биронтаси ошхонадаги шикоят дафтари ниҳоятда паст. Официантлар кўпол ва интизомсиз. 23/IV—58 йил».

Х. Сайдаминов, Р. Мақдумов, Р. Турсунов.

Энди эсига тушди

Паркент район ижроия комитети йўл қурилиш бўлимининг мудири ўртоқ Добровольнийнинг маълумаси текис йўлдан қўндек учиб келатуриб, кичик Заркент-Сўғоқ йўлида уюлиб ётган шағал-қум тенасига чиқиб таққа тўхтади. Ўртоқ Добровольний «Ах!» деди-ю, бошини қашлаганича қолди. Муново йўлда қараса, йўлнинг ноёзлиги ҳақида аҳолидан сон-саноксиз шикоятлар тушаётганга кейин, қанчаларий йўлга шағал тўқайган, лекин уни кўчага ёққизиш, йўлни тузатиш асидан чиқиб кетган экан.

Ўртоқ Добровольний ўз машинасини йўлдан ақл фозда олиб ўтиб кетди, у билан бизнинг ишимиз йўқ. Лекин бу серкатиов йўл қали ҳам ўқиниб-қўқирғиларча қолиб кетмоқда. Колхозчилар, Сўғоқ зам олиш уйига борулганда, ва бошқа йўлбурулган ҳамон йўл асбобдан қўтилганларича йўқ.

М. Мирҳаётов, Д. Мадиев.

Чархпалак кўприк ва дарвоз машиналар

Вёстоналик районидан Бурчмулла пеласкисдан Боготонга ўтаганда, Кўкеув устига қурилган ягона кўприк узоқ вақтдан бери ремонт қилинмай ишлан чикай деб қолган.

Шу кўприкдан қатнайган Боготон, Нанай, Силжак қишлоқ советларининг аҳолиси шу кўприкдан қайта куриш тўғрисида Вёстоналик район ижроия комитетига бир неча бор мурожаат қилган бўлсалар ҳам, аҳолининг талаби ҳамон амалга ошмаптир.

Дарҳақиқат кўприк йўловчиларнинг, айниқса юк машиналарнинг ўтиши учун жуда хавфли бўлиб қолган. Агар район ижроия комитети кўприкни тезда тузатмаса, бирор кўнгилис ҳодисанинг рўй бериши мумкин.

Янги хўжаликларга қачон уй-жой қурилади

Мирашқўлга кўчиб келган азаматларнинг фикорона меҳнатлари тўғрисида «Ҳалқларнинг қиёфаси тўбдан ўзгармоқда. Меҳнатчилар даштини оёқ қилиш, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик еканиларидан мўл ҳосил этиштириш учун зўр раъбат, ижодий ташаббус кўрсатмоқдалар. Халқнинг ана шу олийжанг ташаббуси ҳар тарафлама қўллаб-қувватлангани, улар учун ҳамма шароит ярати берилиши зарур.

Верхне-волиқе районда ташкил қилинган «Гулестон», «Социализм» совхозлари ва колхозларига республикамизнинг бошқа областларидан минглаб хўжаликлар кўчиб келиб, зўр раъбат билан ишлаётганлар. Ҳар қилкада совхоз ва колхозларга хўжаликлар учун кейинги бир неча йил мобайнида қўллаб-қувватлангани, улар учун ҳамма шароит ярати берилиши зарур.

Райондаги кичика пахтачилик совхоз ва колхозларга бу йил 500 хўжалик кўчиб келиши керак. Булар учун 500 та уй-жой қурилиши планлаштирилган. Област ижроия комитетининг шу йил 5 мартдан 5-сон қарори билан уй-жойлар қуриш «Главголдострой» бошқармасига топширилган.

Йнги келувчи хўжаликларга уй-жойлар қуришга йил бошидан киришни зарур эди. Лекин «Главголдострой» раҳбарлари ананамана деб муҳим давлат аҳамиятга

Нитоблар чиройли ва сифатли бўлсин

Республикамиздаги мавжуд нашриётлар турли соҳаларда рангбаранг китобларни қўллаб чиқармоқдалар. Китоб кун сайин меҳнатчиларнинг ҳаётига чуқуorroқ сингиб бормоқда. Совет ишчиси, деҳқони, интеллигенти ўз уйда шахсий кутубхона барпо этишни одаг қилиб олган. Бу эса ўз навбатида нашриётимиз олдига китобларни бадий жиҳатдан яхши бешаш, уларнинг сифатини яхшилаш, муқоваларини чиройли ишлаш сингари бир қачча талабларни қўяди.

Ана шу талабларга жавоб берадиган Фурқат, Бобир ва бошқа ёзувчиларнинг танланган асарлари, Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» китоби чiqди. Улар бадий жиҳатдан яхши бешатилган. Бу китоблардаги суратлар, рангли расмлар кишини қувваттиради. Уларнинг яхши қоғозга бешатилгани, полиграфик жиҳатдан чиройли ишланганини ҳаридорларни беҳиштер жалб қилади. Шунинг учун ҳам магазинга кирган ҳар бир киши бундай китоблардан олмай кетмайди. Шунингдек, Серафимовичнинг «Темир оқим», Чернышевскийнинг «Нима қилмоқ керак» асарлари ҳам яхши муқовода, сифатли қоғозга чиройли қилиб бешилган.

Лекин шу билан бирга, нашриётлар айрим китобларни жуда ҳафасласизлик билан, меъдан кетгунча, эгасига етгунча қобилида бешиб чиқармоқдалар. Кўпгина китобларнинг муқовалари кўрмисиз, хира, текст бешилган қоғозлар эса сифатсиз бўлади. Масалан, кўзга кўринган болалар шоири Қўдуус Мўхаммадийнинг 50 йиллигига атаб чиқарилган танланган асарлар китобини олайлик. Бу китобнинг муқоваси кўрмисиз, хуноқ, хира ишланган, қоғозлари эса қинғир-қийиқ қирқилган, ўзи пала-партиш муқоваланган. Бу эса нашриётнинг шоирга ҳамма китобхоналарга хурматсизликдан бошқа нараса эмас. Бунинг натижада китоб кўйлаб магазин ва сўқалларда тахлайиб ётибди.

Айниқса болалар учун чиқарилаётган китоблар жуда сифатсиз. Айрим китобларни варақлардан киши унга дурустроқ рангли расмин кам кўрали, Қоғозлари, ишланган суратларни жуда кўрмисиз бўлади. Ойбекнинг «Бобом» поэмаси, Қудрат Ҳикматнинг «Уч ўртоқнинг соғаси» тўплами, Мирҳамедовнинг «Синфопилар», Ғайратийнинг «Ҳиқоьлар» каби китоблар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон ССР Давлат бадий адабиёт нашриёти ва бешомалар ана шу муқоҳазаларни ҳисобга олиб, китобларни сифатли ва чиройлик қилиб чиқаришга ҳаракат қилишлари керак. Рассомлар ҳам бу ишга жиҳадий эътибор беришлари лозим. Шунда китобхон ҳам хўрсанд бўлади, магазинларда ҳам полиграфия сановати маҳсулотлари тахлайиб ётмайди.

Ш. ХОЛМУҲАМЕДОВ, «Ўзбеккиъторг» 1-китоб магазини ўзбек тилдаги китоблар бўлими бошлиғининг ўринбосари.

„Коммунистик қурилиш йўлидаги муҳим тадбир“

ПХЕНЬЯН, 23 июнь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Пленумининг «Маҳсулотларни мажбурий етказиб беришни ва МТСларнинг иши учун натура ҳақи тўлашни беқор қилиш тўғрисида, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлашнинг янги тартиби, нарх ва шароити тўғрисидаги қарорини Корея меҳнатчилари зўр эътибор билан кутиб олдилар.

Марказий матбуот КПСС Марказий Комитети Пленуми тўғрисидаги хабарини ҳамда Пленумда ўртоқ Н. С. Хрущев докладининг баёнини эълон қилди.

Венгрия партия-ҳукумат делегацияси Софийага келди

СОФИЯ, 23 июнь. (ТАСС). Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Болгария Халқ Республикаси ҳукуматининг тақлифига мувофиқ, Венгрия Халқ Республикаси партия-ҳукумат делегацияси бугун дўстлик визити билан Софийага келди. Делегация асосида Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, давлат министри Янош Казар (делегация бошлиғи), Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзоси ва Марказий Комитет секретари Карой Кинши, Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг аъзоси, ер иш-

лари министри Имре Дагел, ташкилотлар министри Иштван Ёнош, Венгрия Халқ Республикасининг фақуллода ва мухтор аъзиси Беца Неметлар бор.

Европа мамлакатлари касаба союзулари ва меҳнатқашларнинг конференцияси ёпилди

БЕРЛИН, 22 июнь. (ТАСС). Бугун тушдан кейин Европа мамлакатлари касаба союзулари ва меҳнатқашлари конференциясининг охири мажлиси бўлди. Конференция делегатлари атом уруши хавфига қарши, қуролсизланиш учун, тинчлик учун кураш олиб боришга Европа давлатларининг меҳнатқашлари қатъий қарор берганликларини ифода этадиган бир қанча ҳужжатларни қабул қилдилар.

Конференция Европа мамлакатлари меҳнатқашлари ва касаба союзуларига қарата чиқарган мурожаатидан шу йил 15 октябрдан 22 октябргача ўтадиган хафтадан атом синовларини тўхтатиш учун, ракета базаларини вузкулга келтириш планларига қарши ва атом қуроли орттилган бомбардирмончи самолётларнинг уқрилишига қарши, бундешвернинг атом қуроли билан қуролдандирлиқини қарши, Европада атомсиз зона вузкулга келтириш учун, ижасак доирада кенгаш ўтказиш учун, қуролсизланиш ва халқорамкорлик учун Европа меҳнатқашлари ва касаба союзуларининг кураш ва бирдамлиги ҳақинда айланганди.

Конференция делегатлари АКШ, Буюк Британия ва Совет Иттифоқи ҳукуматларига юборган оқинг мактубларида Совет Иттифонининг ядро қуроли синовларини бир ўзи тўхтатишга тўғрисидаги қарорини таъкидлайдилар. Улар АКШ ва Буюк Британия ҳукуматлари ядро синовларини тўхтатишлари, деб талаб қилишлари ва уч куш давлатини атом ҳамма қоролор қуроли синовларини ёпишсиз, дарҳол тўхтатиш ва бу қоронинг бажарилишини контроль қилиб туриш тўғрисида теалика бир битимга келишга қақарилар.

Жазир радиостанциясининг қўпоровчилик ишлари

ПАРИЖ, 23 июнь. (ТАСС). «Юманите» газетаси бугунги сонда Жазаир радиосининг эшиттирилари республикага қарши характерли эканлигини фом қилди. Газетаниннг ёшишча, реакцияонерлар ўз қўларига олган Жазаир радиостанцияси Франциядаги фашист уеуерларга доим мурожаат қилиб, уларни қўпоровчилик ишларини кучайтиришга қақаришмоқда. Бу радиостанция, деб ёздаи газета, 13 майдан бошлаб фашизм рудийдаги хитобномалар тарқатиб, республикага қарши пропаганда олиб бормоқда. Газета Франция ҳукумати ана шу радиостанциянинг маъмуриятига қарши ҳеч қандай чора қўрмаётганини, аммо айни вақтда француз радиостанциясини Париж муҳбирларининг Жазаирда ўз вазибаларини бажаришлари тақидланганлигини қўрсатади.

СССР-Югославия шахмат турнири

